ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ БУРЧИ:

АСРЛАР МОБАЙНИДА БОШҚАЛАРҒА ҚАРАМ БЎЛИБ КЕЛГАН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАВНАҚ ТОПИШИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 132 (21. 231) 1992 йил 7 июль, сешанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК НИҲОЯТДА МУҲИМДИР

● Илгари хабар қилинганидек, Истанбул шаҳрида «Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик минтақаси: Туркия ва Ўрта Осиё республикалари» мавзуига бағишланиб жаҳон иқтисодий анжумани ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов анжуманнинг 30 июнь кунидаги ялпи мажлисида нутқ сўзлаган эди. Қуйида шу нутқ матнини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Муҳтарам Раис жаноблари!

Давлатлар ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мазкур учрашувга таклиф этганингиз учун ва унинг муҳтарам қатнашчилари ҳузурида маъруза қилиш имконияти берилгани учун самимий ташаккур билдираман.

Ўзбекистон Республикаси ёш мустақил давлатдир. У дунёни янгидан кашф этмоқда ва айни вақтда дунёга ўзини ҳам танитмоқда.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида ҳозиргача 110 дан кўпроқ давлат тан олди.

Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияларининг Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Саудия Арабистони, Корея Республикаси, Малайзия, Индонезияга ташрифлари, АҚШ, Швейцария, Покистон, Эрон, Финляндия раҳбарлари билан олий даражадаги мулоқотлар Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан мустақил муносабат ўрнатиш йўлидаги муҳим босқичлар бўлди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг тараққиётнинг қайси йўлидан бориши кераклиги муаммоси кўндаланг бўлгани табиий эди, албатта. Биз бу саволга аниқ ва лўнда жавоб бердик. Ўзбекистон жамият тараққиётининг маърифатли ва дунёвий ғояларга асосланган йўлидан боради. Ўлкамиз Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг бой тажрибасидан ҳар томонлама баҳраманд бўлиб, ўз йўлини топиб олади.

Тажриба ўрганиш масаласига келсак, жаҳондаги давлатлар ўртасида Туркия биринчи бўлиб бизга дўстлик қўлини узатганини самимий миннатдорлик ва ташаккур туйғуси билан таъкидлаб ўтишни бурчим деб биламан.

Ҳозир биз янги жамият барпо этиш йўлидан боряпмиз.

Жамиятимиз ва ёш давлатимиз турмушининг барча жиҳатларига дахлдор бўлган ички ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан англаниши ва қўллаб-қувватланишини истардик. Бунда гап Ўзбекистонга бевосита ёрдам бериш тўғрисида эмас, балки, энг аввало, ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни авж олдириш тўғрисида боряпти, албатта. Бу жиҳатдан Туркия билан ҳамкорлигимиз халқаро ҳамкорлик йўлидаги дастлабки қадамдир.

Биз асосан нималарга эътибор беряпмиз?

Биринчидан, Туркиянинг иқтисодиётни ривожлантириш борасида қисқа вақт ичида амалга оширган ижобий тадбирларини зўр қизиқиш билан ўрганиб ва кузатиб боряпмиз.

Иккинчидан, Туркия анъанавий қадриятларни авайлаб асраш билан бир қаторда, дадил ислоҳотчиликни қўллаб, ижтимоий ва техникавий тараққиётнинг энг замонавий ютуқларини ўзлаштиришга қандай эришиш мумкинлигини яққол кўрсатди. Биз учун эса ижтимоий тараққиётга йўналтирилган очиқ, демократик, дунёвий жамиятга ўтишни таъминлаш ғоят муҳимдир.

Ижтимоий ҳамда иқтисодий ислоҳотлар йўлидан тез ва дадил қадам ташлашимиз учун Ўзбекистоннинг қучоғи чет мамлакатларга очиқ бўлиши ва чет мамлакатларнинг ҳам бағри Ўзбекистонга очиқ бўлиши керак.

Биз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, Ўзбекистон билан Ғарб давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий, сиёсий ва ташкилий заминни вужудга келтиришимиз лозим.

Ўзбекистон давлат делегациясининг ўтган йил декабрида Туркияга ташрифи ва муҳтарам С. Демирэл бошчилигидаги Туркия делегациясининг шу йил апрелида Тошкентга ташрифи вақтида имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизда алоҳида муҳитни юзага келтирди.

Савдо-саноат доиралари вакиллари ўртасида бевосита мулоқотлар мунтазамлик касб этди. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, хорижий сармоялар ҳаракатининг қонуний доиралари қайтадан идрок этила бошланди. Ўзбекистон парламентининг навбатдаги сессиясида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонун асосларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Ташқи иқтисодий ҳамкорлик ички ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш ишида ҳам бевосита ёрдам кўрсата олиши ўз-ўзидан аёндир.

Мен мана шу соҳада ўзбек-турк ҳамкорлигини таъкидлаб, қардошларча ёрдами ва мадади учун турк халқига, Туркия раҳбарларига яна бир бор ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўзбекистоннинг Туркия га Ғарб билан ҳамкорлигида нималар устивор йўналиш бўлиб қолиши керак?

Биз иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли ва узвий аъзоси бўлиб қолишини, Ўзбекистон иқтисодиёти тузилмасини, унинг хизмат кўрсатувчи асосий тизимларини жаҳон иқтисодиётининг шартлари ва талабларига мослаштиришни мўлжаллаяпмиз. Бу — асосий ниятларимиздан.

Биз учун, масалан, бозор тармоқлари мажмуини ва аввало, банк тизимини вужудга келтиришда ўзаро ҳамкорлик қилиш ниҳоятда муҳимдир. Бундай банк тизими ҳисоб-китобларни самарали олиб бориш, хорижий сармоядорларга унумли хизмат қилувчи кенг миқёсдаги инвестицияларни рағбатлантиришни таъминлаш имконини беради.

Биз кадр тайёрлашда, айниқса, иқтисодчиларни, менежмент, маркетинг, банк ва биржа ишлари бўйича мутахассисларни тайёрлашда ҳам кўмакка муҳтожмиз.

Туркия ҳукумати йигит ва қизларимиздан икки минг нафарини ўқиш учун қабул қилишга тайёр эканлигини биз мамнуният билан кутиб олдик.

Транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик ҳам биз учун ғоят муҳим ҳисобланади. Халқаро темир йўл тармоғини ривожлантириш ва ундан унумли фойдаланишда, Қора денгиздаги пароходчилик фаолиятида иштирок этишимиз ташқи дунёни танишимизда устивор йўл бўлади.

Халқаро алоқа ва ахборот тизимларига боғланиш ҳам иқтисодиётимизни ривожлантириш учун ҳаётий муҳим ишдир. Ўзбекистон ахборот учун очиқ жамият бўлади ва биз бу масалада ёрдам берилишига умид қиламиз.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон билан ташқи дунё ҳамкорлиги, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кучайтиришимиз равнақ топиш ва гуллаб-яшнашнинг муҳим гарови бўлиб, биз ана шу юксак мақсад рўёбга чиқиши учун мумкин қадар кўпроқ куч-ғайрат сарфлаймиз.

Биз шуни мамнуният билан қайд этамизки, ушбу анжуман қатнашчилари билан, турли мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари билан учрашув ва суҳбатларнинг мазмуни кўрсатиб турганидек, ўзаро манфаатли мулоқотларда ишончли шерик бўлиб қолишдек муддаомизга жавобан ижобий муносабатда бўлинмоқда.

Ўзбекистон — қадимий ўлка, унда яшаган алломалар дунё маърифатига салмоқли ҳисса қўшган, бир вақтлар «Буюк ипак йўли» шу заминдан ўтган. Бу йўл турли қитъа халқларини, маданиятлар, динларни бир-бири билан боғлаган, халқларнинг маънавий турмуши гуллаб-яшнашини таъминлаган.

Ана шу анъаналарни давом эттириш учун Ўзбекистон халқи куч-ғайратини аямайди.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН •

ЮРТДОШЛАР УЧРАШУВИ

● Президент Ислом Каримовнинг таклифига мувофиқ Ўзбекистонга келган Корея Республикасининг «Дэу» корпорацияси президенти доктор Ким У Жун 3 июль куни Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги прицеплар заводида ва Тошкентдаги «Алгоритм» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганидан кейин кечқурун пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ районидаги «Дўстлик» (собиқ «Политотдел») жамоа хўжалигига ташриф буюрди.

Суратда: Юқори Чирчиқ районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигига ташриф пайти.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бирга келган кореялик меҳмонлар хўжалик марказий қўрғонида карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Меҳмонлар хўжалик аъзолари билан суҳбатлашдилар. Жамоа хўжалигининг асосчиси, Меҳнат Қаҳрамони Хван Ман-Гим колхоз тарихидан сўзлаб берди.

— Хўжаликда 21 мингдан зиёд аҳоли бор, — деди у. — Шундан тўрт мингга яқини корейслардир. Кўп тармоқли бу хўжалик асосан пахта, уруғлик маккажўхори етиштиради. 2320 бош қорамоли бор. Бу йил пахта ва каноп майдонини қисқартириш ҳисобига аҳолига тарқатиш учун қариб икки юз гектар майдонга буғдой ва шоли экилди.

Бу ерда ҳамма бир оила фарзандидек яшайди. Корейс болалари она тилида ҳам ўқитилмоқда. Икки миллий ҳаваскорлик дастасининг довруғи республикага кенг ёйилган. Чим устида хоккей командаси эса бир неча бор Жанубий Кореяда бўлиб, ўртоқлик учрашувларида қатнашган. Икки мамлакат ишбилармонлари ва тадбиркорларининг саъй-ҳаракати туфайли дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланмоқда.

Республика Президенти Ислом Каримов «Дэу» корпорацияси президенти ва унинг рафиқасига эсдалик совғалари топширди. Кореялик санъаткорлар ва хўжалик бадиий ҳаваскорлари ижросида концерт берилди.

Меҳмонларнинг хўжаликка сафарида Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев ҳамроҳ бўлди.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июль куни Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Поль Везианни қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширди. Шундан сўнг икки ўртада дўстона суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбари жаҳондаги буюк давлатларнинг бири—Франция Европада, умуман, бутун дунёда тинчлик ва осойишталик учун курашга, Хельсинки битимлари бажарилишига катта ҳисса қўшаётганини, Париж хартиясининг ташаббускори бўлганини айтиб, Президент Ф. Миттераннинг бу борада сарфлаётган куч-ғайратига юксак баҳо берди. Элчи Ўзбекистон халқини, унинг Президентини эришилган истиқлол билан чин дилдан қутлади, француз аҳли, мамлакат Президентининг энг яхши тилакларини топширди.

Суҳбатда мустақиллик йўлида дастлабки қадамларни ташлаётган Ўзбекистон билан Франция ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда фавқулодда ва мухтор элчи Жан Поль Везиан жаноблари, у бошлиқ элчихона муносиб ҳисса қўшади, деб умид билдирилди.

* * *

ЎзА мухбири Жан Поль Везиан билан суҳбатлашди:

— Мени Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қабул қилганидан ғоят миннатдорман, — деди элчи.— Тошкентга келиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, мустақилликка эришган ўзбек халқи мавжуд қийинчиликларга қарамай, ғайрат ва шижоат билан меҳнат қиляпти, ўз юртида тинчлик, осойишталик бўлишига интиляпти. Ўтмиш маданияти бой, улкан қадриятлари бўлган ўзбеклар француз маданиятини яхши билар ва қадрлашар экан. Кўп кишилар бизнинг тилимизни севиб, иштиёқ билан ўрганишаётганининг гувоҳи бўлдим.

Шу кунларда Ватанимиз Францияда «Самарқанднинг жозибадор гўшалари» кўргазмаси катта муваффақият билан намойиш этилмоқда. Французлар ўзбек халқининг бой маданияти билан қизиқиб танишмоқдалар. Ўйлайманки, бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Бу эса бир-биримизни яхшироқ билиб олишга, нафақат маданий соҳада, айни вақтда бошқа жабҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади.

Серқуёш Ўзбекистон халқига, унинг раҳбариятига энг эзгу тилакларимни йўллайман, уларнинг мустақилликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларига ривож тилайман.

(ЎзА).

Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси

Жан Поль ВЕЗИАН

1946 йил 23 январда туғилган, филология фанлари доктори, маъмурият миллий мактабини битирган.

Ташқи ишлар вазирлигида 1977 йилдан бери ишлайди.

1977—1979 йилларда — Франциянинг Москвадаги элчихонаси иккинчи, сўнгра эса биринчи котиби.

1980—1982 йилларда — Франция Ташқи ишлар вазирлиги Европа бошқармасининг ходими.

1982 йилдан 1986 йилгача — Франциянинг Квебекдаги (Канада) бош консулхонасининг маданият бўйича маслаҳатчиси.

1986—1991 йилларда — Франциянинг Абижандаги (Кот-д'Ивуар Республикаси) элчихонаси биринчи маслаҳатчиси.

1991 йил январидан Ўзбекистондаги элчи этиб тайинлангунга қадар Франция Ташқи ишлар вазирлиги дипломатия ваколатхонасининг инспектори бўлиб ишлади.

Уйланган, учта фарзанди бор.

МДҲ давлат бошлиқларининг учрашуви

Кеча Москвадаги Внуково-2 аэропортида рус миллий кийимидаги ҳушрўй москвалик қизлар Россия пойтахтига Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашувида қатнашиш учун келган Ўзбекистон Республикаси расмий делегациясини нон-туз билан кутиб олдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни учиш майдонида Россия давлат котиби Геннадий Бурбулис билан МДҲ Бирлашган Қуролли Кучлари қўмондони авиация маршали Евгений Шапошников кутиб олдилар.

Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, ҳозирги учрашувга Ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий алоқаларни тағин ҳам яхшироқ йўлга қўйишга таллуқли муҳим масалалар киритилганлигини таъкидлаб ўтди. Мустақил Ўзбекистоннинг раҳбари Минскда бошланган ва Тошкентда давом эттирилган самарали иш Москвада муносиб равишда тугалланиши керак,

(Давоми иккинчи бетда).

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг, концернлар, уюшмалар ва банкларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда Туркия Республикаси томонидан ажратилган кредитлардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш чоралари тўғрисидаги ҳамда 1992 йилда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

(Мажлис ҳақидаги ҳисобот газетада эълон қилинади).

(ЎзА).

МДҲ давлат бошлиқларининг учрашуви

(Давоми. Боши биринчи бетда).

деди. Фақат баҳслашишга берилиб кетмаслик, энг муҳим муаммоларни ҳал этишдан қочмаслик керак, деб таъкидлади И. Каримов. У кун тартибига киритилган масалаларга баҳо бериб, коллектив мудофаа ва коллектив хавфсизлик билан боғлиқ масалаларнинг муҳимлигини таъкидлади. Молдованинг фожиали намунаси сиёсатчилар учун яхши сабоқ бўлиши керак, деди Ўзбекистон бошлиғи. Бундай вазиятда Армиянинг ҳар қандай аралашувига йўл қўйиб бўлмайди.

МДҲ давлатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари қандай? Бу савол кўп журналистларни қизиқтирди. Ислом Каримов бу саволга аниқ жавоб қайтарди: Ўзбекистон ўз келажагини Россиясиз тасаввур эта олмайди. Барча мустақил республикалар ўртасида яқин муносабатларни йўлга қўймоқ керак.

Давлат бошлиқларининг кенгаши КПСС Марказий Комитети Ишлар бошқармасига қарашли собиқ «Октябрская» меҳмонхонасида, ҳашаматли президент меҳмонхонасида ўтмоқда. Учрашув ташкилотчилари кўрган эҳтиёт чоралари баъзан ҳаддан ошиб кетган. Рухсатномалар хусусидаги чалкашлик, шу туфайли юз берган баҳслар журналистларнинг ҳам, матбуот маркази ходимларининг ҳам асабига тегди.

Яна бир муҳим жиҳати: Москва учрашуви иш тартибига кўра аввалги учрашувларга нисбатан жуда қисқа бўлиши керак. 13 та масалани муҳокама қилиш учун тўрт соат атрофида вақт ажратилган.

Бугун қандай масалалар муҳокама қилинади? Энг муҳимларига тўхталиб ўтаман. Булар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги хўжалик судининг ҳуқуқий мақоми, айрим давлатлар миллий валютани жорий этган тақдирда рубль зонаси давлатларининг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, ҳуқуқий ворислик комиссиясининг ҳаммани қизиқтирувчи шартномалар, давлат мулки, давлат архивлари, собиқ ССР Иттифоқининг олган қарзлари ва берган қарзлари хусусидаги таклифлари масалаларидир. Истиқомат жойларидан кўчириб юборилган халқлар ва кўчириб юборилган майда миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масала биринчи марта жиддий муҳокама қилинади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, муҳокама қилинадиган муаммоларнинг бутун бир мажмуи МДҲ Қуролли Кучларига бағишланган. Оммавий ахборот воситаларининг ёзишларига қараганда, МДҲ мустақил республикалари ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарлари давлат бошлиқлари учрашуви арафасида яхши меҳнат қилишди. Буни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. Аҳмедов ҳам ЎзА мухбири билан суҳбатда тасдиқлади.

МДҲ Бирлашган Қуролли Кучлари қўмондони авиация маршали Е. Шапошниковнинг фикри бундай:

— МДҲ ташкил топган пайтдан буён ҳарбий масалаларга доир 70 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Лекин Тошкентда имзоланган «Коллектив хавфсизлик тўғрисида»ги Шартнома энг жиддий ва пухта ўйланган ҳужжатдир. Ҳозирги пайтда Ҳамдўстлик давлатларининг мудофаа соҳасидаги саъй-ҳаракатлари теранлашиб ва қўшилиб бораётгани ҳақида дадил гапириш мумкин. Биз миллий хавфсизликни таъминлаш ва Қуролли Кучлар тузилиши асосларининг барча Ҳамдўстлик давлатлари учун муштарак келишиб олинган ёндашувларини ишлаб чиқишимиз зарур.

...Олдинги учрашувлар каби олий даражадаги бу учрашув ҳам матбуотда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки, аслини олганда, ҳозир Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги пойдевори сифат жиҳатидан янги негизга қурилмоқда. Мустақил давлатлар раҳбарларининг фикрларига қараганда, мавжуд ихтилофларга қарамай ҳамжиҳатликка эришилади.

Ҳозирча эса ёпиқ эшиклар ортида МДҲ давлат бошлиқларининг қизғин ишлари бошланди. Мажлисга ҳатто экспертлар ҳам киритилмади.

Лев ЛЕВИН,
ЎзА махсус мухбири.

● **Москвада очилган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги бошлиқларининг мажлиси кун тартибига 15 та масала киритилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШАХМАТ БЎЙИЧА ТЕРМА КОМАНДАСИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Спортда юксак натижаларга эришганлиги, республикада шахматни ривожлантиришдаги хизматлари, Манила шаҳрида (Филиппин) ўтказилган XXX Жаҳон шахмат олимпиадасида 2-ўринни қўлга киритганлиги, жамоат турмушида фаол иштирок этганлиги учун қуйидагилар

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Аббосов Хислат Солиҳович — Спорт ўйинлари бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг директори

Загребельний Сергей Николаевич — «Динамо» жамияти Тошкент вилоят кенгашининг шахмат бўйича тренер-ўқитувчиси

Эркабоев Аҳмаджон — Ўзбекистон Шахмат федерациясининг раиси

Ицков Рема Исаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт комитети бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Логинов Валерий Александрович — Спорт ўйинлари бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг шахмат бўйича тренер-ўқитувчиси

Ненашев Александр Юрьевич — Туркистон ҳарбий округи армияси II спорт клубининг прапоршчиги

Пинчук Сергей Тимофеевич — Спорт ўйинлари бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг шахмат бўйича катта тренери

Салтаев Михаил Михайлович — Чирчиқ шаҳридаги 2-ҳунар-техника билим юртининг шахмат бўйича тренери

Серпер Григорий Юрьевич — касаба уюшмаларининг «Ўзбекистон» физкультура-спорт жамияти Марказий Кенгаши тренер-ўқитувчиси

Йўлдошев Сайдали Орипович — Чирчиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўйича тренери

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 июль.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Фармонига биноан Ўзбекистон Давлат қишлоқ хўжалик ва автомобиль машинасозлиги концернининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳига тармоқда кўп йил ҳалол меҳнат қилганлиги, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги ва жамоат турмушида фаол иштирок этганлиги учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвонлари берилди, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Фармоннинг тўла матни газетанинг келгуси сонида эълон қилинади.

ВАКИЛ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов 4 июль куни АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Ярослав Вернерни унинг илтимосига кўра қабул қилди. Қабул икки мамлакат ўртасида дўстона алоқаларни янада яхшилаш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига бўлажак сафари тўғрисида фикр алмашилди.

Қабулда республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Президенти давлат маслаҳатчилари Б. Назаров, С. Саидқосимов, шунингдек, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси биринчи котиби Жон Паркер иштирок этдилар.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Самарқандда ўн иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг X сессияси бўлди. Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига мурожаатномаси»дан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масала кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими П. М. Абдураҳмонов шу ҳақда маъруза қилди. Мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул этилди.

(ЎзА).

ХДП: одамлар орасида

● МЕҲНАТКАШЛАР ЎРТАСИДА ОБРЎ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНИБ

● ДЕПУТАТЛАР ҚАБУЛХОНАСИДА

● ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«МУЛОҚОТ» УЧРАШУВГА ЧОРЛАЙДИ

● **Вилоят партия ташкилоти фаоллари меҳнат жамоаларида учрашувлар ўтказаётган кунлар эди. Аму—Бухоро машина каналидан фойдаланиш Олот бошқармасида бўлган учрашувда вилоят кенгашининг иккинчи котиби А. В. Халиловга қийин саволлар беришди. Шундай саволлардан бири собиқ Компартия иш усули ва услубларидан ХДП фаолиятида фойдаланиш тўғрисида бўлди.**

— Агар ишнинг айрим усул ва услублари яхши самара берган бўлса нега энди ундан фойдаланиб бўлмас экан, — қарши савол билан жавоб берди нотиқ. — Масалан, кейинги йилларда кенг оммалашган «очиқ хатлар кунлари»ни олайлик. У яхши самара берган иш усули эканлигини ҳаммаларингиз тан олсангиз керак. Келгусида меҳнаткашлар билан мулоқотда ундан фойдаланиш ниятимиз бор.

Котиб Бухорога қайтгач, бу масала ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида атрофлича муҳокама қилинди. Меҳнаткашларнинг турли қатламлари билан алоқани мустаҳкамлаш, вилоятдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар қандай ҳал қилинаётганидан уларни мунтазам хабардор қилиш, Президент фармонларининг ижросини назорат қилиш мақсадида «Мулоқот» клубини ташкил этиш тўғрисида тегишли таклиф билан вилоят ҳокимиятига мурожаат этишга қарор қилинди.

Ҳокимият бу таклифни қўллаб-қувватлади. Вилоят ҳокимининг биринчи муовини М. Р. Раҳмонов клуб раислигига тасдиқланиб, унинг таркибига хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича мутасадди ходимлар, вилоят фаоллари киритилди. Жойларда меҳнаткашлар билан учрашувларнинг жадвали тузилди.

Бу жадвалга кўра ҳар ой бир районда учрашув ўтказиш кўзда тутилади. Учрашувдан бир ой муқаддам ХДП вилоят кенгаши ва мазкур район кенгаши фаоллари меҳнат жамоаларида бўлиб, жойлардаги аҳволни пухта ўрганадиган, меҳнаткашларнинг савол ва аризаларини йиғиб ихчамлаштирилган ва умумлаштирилган шаклда вилоят ҳокимиятига етказадиган бўлишди. Натижада вилоят раҳбарлари, меҳнаткашлар билан шунчаки мулоқот учунгина эмас, балки йиғилган муаммоларни амалий ҳал қилиш учун учрашадиган бўлишди. Бунга фақат район ташкилотлари вакилларигина эмас, шу билан бирга қишлоқ ўқитувчилари, шифокорлар, аҳолининг ижтимоий фаол бошқа табақалари вакиллари ҳам таклиф этилди.

Кейинги уч ойда шундай учрашувлар Олот, Қоракўл; Бухоро районларида бўлиб ўтди. Биз учрашувлардан бирида иштирок этиш имкониятига эга бўлдик. Клуб йиғилишини унинг раиси М. Р. Раҳмонов қисқача маъруза билан очди. Сирасини айтганда, буни маъруза деб аташ ҳам қийин. Аслида бу вилоятда, шу жумладан, мазкур районда йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича халқ билан маслаҳат эди.

Нотиқ улардан ҳеч нарсани яшириб ўтирмади. Ҳа, вазият ниҳоятда оғир. Меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилаётган гўшт, тухум, сариёғ ва бошқа кундалик зарур истеъмол моллари етишмаяпти. Вилоятда 68 саноат корхонаси зарар ҳисобига ишлаяпти. Пулнинг қадрсизланиш жараёни бозорда нарх-навони пасайтиришга имкон бермаяпти.

Лекин ваҳимага ўрин йўқ, вилоят ҳокимияти аҳволни назорат қилиш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя этиш учун барча варур тадбирларни кўраяпти. Бу соҳада тегишли дастур амал қилаяпти. Оғир иқтисодий аҳволга қарамай Дамхўжа—Навоий ичимлик суви қувурини Бухоро шаҳрига етказиш мақсадида қурилиш-монтаж ишлари изчил олиб бориляпти. Умуман нотиқ ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш учун вилоят ҳокимияти томонидан кўрилаётган тадбирларга батафсил тўхталди.

Шундан кейин ўзаро мулоқотнинг ҳал қилувчи палласи бошланди. Тўпланганлардан тушаётган саволлар ва бундан илгари партия фаоллари томонидан йиғилган саволларга вилоятнинг мутасадди раҳбарлари жавоб бера бошладилар. Бироқ баъзи жавоблар кишиларни қаноатлантиргани йўқ. Жумладан, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи А. Ёрқуловнинг «Маданият» жамоа хўжалиги аъзолари томонидан берилган саволга жавоби қаттиқ эътирозга сабаб бўлди.

Ҳамма гап шундаки, хўжалик маблағлари эвазига қурилган бино кўп йилларидан буён вилоят юрак хасталиклари шифохонаси учун фойдаланилаяпти. Уни бўшатиб бериш ҳақидаги талаблар анчадан буён қондирилмаяпти. Ваҳолонки, хўжалик бу бинода ўз касалхонасини жойлаштириш ниятида эди. Чунки, колхозчилар, айниқса хотин-қизлар оддий бюллетень қоғозини тўлдириш ёки муолижа олиш учун район марказига қатнашга мажбур бўлмоқда. Транспорт қатновидаги узилишлар, киш ҳақининг кескин ошганлиги бу соҳада катта қийинчиликларни вужудга келтираяпти.

Шунинг учун хўжалик бошқарувининг раиси М. Аҳмедов бинони бўшатиб беришни қатъи туриб талаб қилганида вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров унинг томонини олди. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига бинони бўшатиб бериш учун бир неча кунлик муҳлат белгиланди.

Ҳар бир муаммони мана шундай узил-кесил ҳал қилиш билан «Мулоқот» клуби меҳнаткашлар ўртасида обрў-эътибор қозонмоқда. Вилоят партия кенгаши асос солган клуб кишилар ўртасида унинг ҳам обрўсини оширишга хизмат қилмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *АБИТУРИЕНТ—92*

СИНОВ АРАФАСИДА

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҲУЖЖАТ ТОПШИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент педагогика коллежида ҳам бу иш қизғин боряпти. Коллежнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига бу йил 460 нафар талаба қабул қилинди.

— Педагогика билим юртимиз коллежга айлантирилганига ҳам икки йил бўлди, — дейди қабул ҳайъатининг раиси, коллеж директори Мунаввархон Исмоилова. — Бу йил қабул қилинадиган ўн битта гуруҳнинг тўрттаси педагогика коллежида ўқийди. Улар мутахассисликни тезроқ эгаллашади. Педагогика институтида беш йил ўқитилса, бунда ана шу программа уч йилда ўзлаштирилади. Уни тугатган ёшлар истаса, яна икки йил олий ўқув юртида таҳсил олиши мумкин. Тошкент давлат педагогика институти билан бу ҳақда келишиб олинган.

Тошкентдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида педагогика лицейлари ташкил этилган. Уларда билим юртимизнинг тажрибали ўқитувчилари дарс ўтишади. Она тилидан бу йилги ёзма битирув имтиҳонларини ҳам шу ўқитувчилар олишди. Мактаб педагогика кенгашининг қарори билан диктантни аъло баҳога ёзган ўқувчиларга билим юртига йўлланма берилди. Улар коллежга фақат мутахассисликдангина кириш имтиҳони топширишади.

Билим юрти мактабларда шартнома асосида педагогика курслари ташкил этяпти. Бундан мақсад ўқитувчилик касбига меҳр қўйган иқтидорли ёшларни танлаб олишдир. Улар билим юртимизга кириш учун тавсия этилиб, кўп қатори имтиҳон топширадилар. Тўпланган балл бошқаларники билан тенг бўлиб қолган тақдирда, курс битирувчиларига устунлик берилади.

Ҳозир педагогика коллежининг меҳнат ўқитувчилари тайёрловчи сиртқи бўлимида кириш имтиҳонлари бошлаб юборилди.

(ЎзА мухбири).

● **Памела Гарриман хоним — АҚШ Миллий демократик комитетининг аъзоси, Атлантика кенгаши раисининг ўринбосари, таниқли Америка дипломати, Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси А. Гарриманнинг рафиқаси. У «Вашингтон пост» газетасида эълон қилган мақоласида ҳозирги пайтда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида юз бераётган воқеаларга, бу ердаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятга ўзига хос назар ташлайди.**

Муштарийлар эътиборига шу мақолани кўчириб босиб ҳавола этмоқдамиз.

МОСКВА ОРҚАЛИ НАЗАР

Собиқ СССРдаги энг қизиқ воқеалар Россиядан ташқарида юз бермоқда.

Б. Ельциннинг яқинда АҚШга ташрифи ва Молдовадаги воқеалар америкаликларга уларнинг собиқ СССР тўғрисидаги тасаввурлари тўла [illegible]ини кўрсатди.

Америка дипломатияси ўзининг собиқ энг катта душмани билан муносабатларда катта ютуқларга эришди: Б. Ельциннинг АҚШ конгрессидаги коммунизмга қарши қаратилган нутқи ҳамда ядро қуролини назорат қилиш масаласида ён босиши шундан далолат бермоқда. Ниҳоят, биз «Россия» билан «Совет Иттифоқи»ни адаштирмасликни тўғри тушуниб олдик, бинобарин бу ўзгариш барча замонлардаги буюк ўзгартирувчи тинч инқилоблардан бирининг рамзидир.

Бироқ 130 миллион аҳолиси, улкан муаммолари ва жуда катта ресурслари бўлган бошқа 14 та мустақил давлат эътибордан четда қолмоқда. Улар Россия эмас, Россия бўлишни хоҳламайдилар ҳам. Улардан энг каттаси — Украина Молдова, Қрим масалаларида, молия масаласи Москва билан етарли даражада муваффақиятли ечилмаганида ҳамда Москвада Украина мустақиллигини тугатишни хоҳлайдиган кучлар мавжуд, деб шубҳаланиб эҳтимол тутилган можаронинг ўткир дами устида турибди.

Мен Россиядан ажралиш туйғусини яқинда собиқ СССРга борган пайтимда ҳис этдим.

Москва қиёфаси ачинарли: ҳаммаёқ ифлос, қаровсиз, ташландиқ аҳволда. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигидан кўра харид қобилиятининг етишмаслиги кўпроқ сезилмоқда.

Бозорларда мева ва сабзавотлар, ҳатто Колумбиядан келтирилган бананлар бор. Пенсионерлар эса ойига 500—900 сўм пул олишади, чайқов нархида бу 5—9 Америка долларига тенг. Ёшлар ҳамма жойда эски буюмларни сотишяпти.

Коммунизм ҳали бутунлай барбод бўлгани йўқ, бинобарин собиқ СССРдаги воқеаларга биз фақат ёки асосан Москва назари орқали қарамаслигимиз керак. Советларнинг мустаҳкам пойдевори лиқиллаб қолди, бу минтақага бизнинг яхлит ёндашувимиз ҳам худди шу тарзда ўзгариши керак.

Ўзгаришларни янги давлатлардан ҳоҳлаганингизда кўришингиз ва ҳис этишингиз мумкин. Биз сафаримизнинг навбатдаги манзили — Ўзбекистонда буни кўриб, ҳис этдик. Москвадан Тошкентга тўрт соат учиб, Европа билан Осиёни ажратиб турган довондан ўтгандек бўлдик: улар руҳий жиҳатдан ҳам, ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам бир-бирига мутлақо ўхшамайди.

Тошкентда улкан ғайратҳаракатни ва ҳатто Совет Иттифоқидан озод бўлгандан кейин пайдо бўлган келажакка ишончни ҳис этиш мумкин. Ўзбекистонда яқин 20 йил ичида аҳолининг икки баравар кўпайиши кутилмоқда. Бу ерда аҳолининг ўсиши собиқ Совет Иттифоқи аҳолисининг ўсиши нисбатан уч баравар кўплиги кўзга ташланяпти. Республика олтин, нефть ва пахта заҳираларига бой ўлка. Президент Каримов бизга бундай деди: «Яқин вақтларгача бу заҳиралар халққа хизмат қилган эмас. Улар фақат Марказга, фақат Москвага хизмат қиларди. Мен молия вазири бўлган пайтимда (Советлар даврида) бизда қанча олтин қазиб олинишини ҳам билмас эдим. Аммо биз ҳозир ҳам асосан хом ашё етиштиряпмиз, бизда қайта ишловчи корхоналар йўқ.

Президент хорижий сармоялар, фойда келтириши мумкин бўлган сармоялар олишга ҳаракат қилмоқда— Ўзбекистон эса техникавий мададга, транспорт соҳасига, асосан пулга эмас, балки эркин ишбилармонлик тажрибасига, атроф-муҳитни тозалашга ва замонавий таълимга муҳтождир.

Афсонавий Самарқанд шаҳри Ўзбекистонда бўлиб, аслида Ўзбекистон аҳолиси ислом динида, расмий кишилар Ўзбекистоннинг Эрон моделини эмас, балки Туркия моделини афзал кўраётганини таъкидламоқдалар. Айни пайтда улар, нафақат бундан АҚШ манфаатдор бўлмаса, деб сўрамоқдалар. Шунингдек, улар Ўзбекистон тўғрисидаги хабарларнинг жуда кўпи Москва учун мақбул бўлган нуқтаи назардан ёритиляпти, деб норозилик билдирмоқдалар. Президент Каримов ҳам бундай хабарлардан норозилигини айтган эди.

Бу норозиликлар Москвадан 500 миля масофада — Киевда шиддатли тус олди, бу ерда одамлар бевосита хавф-хатарни ҳис этмоқдалар. Америка ҳозиргача Москва тўғрисидаги мияга ўрнашиб қолган ғоя билан юрибди. Ўтган йили Президент Буш совет республикаларини мустақилликка эришиш учун саъй-ҳаракат қилмасликка даъват этганини Киевда унутишгани йўқ. Кўпчилик украинлар Ельцинни қўллаб-қувватлашмоқда ва у муваффақият қозониши мумкин, деб биладилар. Лекин унинг вице-президенти Александр Руцкойдан ташвишланмоқдалар, вице-президент Украинага нисбатан тажовузкорлик йўлини тутмоқда.

Украиналик ҳарбийларнинг, миллатпарварларнинг, собиқ партия ходимларининг даъвати Россиянинг дўқ-пўписасига уларнинг жавоби бўлди. Улар Россиянинг нафсониятига қарши ҳарбий ҳимоя воситаси сифатида бўлмаса ҳам, сиёсий ҳимоя воситаси сифатида Украинада совет ядро қуролини сақлаб туришни талаб қилишга ҳам тайёрдирлар.

Бу тангликни бартараф этишдан АҚШ ва бутун дунё манфаатдор. Руслар барча янги давлатларда майда миллат сифатида яшашмоқда. Лекин биз 75 йил давомида Москва талаб келган мамлакатларнинг хатти-ҳаракатларини тушунишимиз лозим ва тушунишимиз керак. Лекин уларнинг ўзларига қийин бўлади. Улар иқтисодий жиҳатдан Россияга муҳтождирлар. Россия эса уларга муҳтож. Лекин янги давлатлар Россиянинг устивор бўлишга уринишларига бутун чоралар билан, ҳатто бунинг учун иқтисодий зарар эвазига бўлса ҳам, қарши ҳаракат қилаверадилар. Мувозанатни англашда Америка дипломатиясининг аҳамияти жуда муҳимдир. Биз фақат бир нуқтан назардан эмас, балки манзарани бутунлай қамраб оладиган ташқи сиёсатни ишлаб чиқа оламиз.

Собиқ СССРнинг катта қисми ҳеч бўлмаса ҳозирги пайтда Россияга нисбатан яхшироқ иқтисодий истиқболга эга. Улар бевосита ёрдамга унчалик муҳтож эмаслар, бунинг ўрнига уларга техникавий ёрдам ва сармоя зарур. Улар ташқи дунёга Москва орқали эмас, балки ўзлари чиқишни ўрганишлари керак. Илгари улар бу ишлар билан шуғулланмаганлар: улар АҚШ билан яқинлашишга ҳаракат қилмоқдалар.

Европа ва Осиёдаги улкан макон билан фақат Москва орқали иш олиб бориш биз учун нодонлик ва хатарли бўлур эди. Фақат Бонн орқали Европа билан ёки Буэнос-Айрес орқали Жанубий Америка билан иш олиб борармидик? Янги давлатларни дипломатия йўли билан тан олдик, аммо бу шунчаки бир эҳтиром бўлиб қолмаслиги керак. Бу муносабатлар ташқи сиёсатимизнинг кундалик воқелиги бўлиши керак. Россия Федерацияси билан муносабатларимизни тартибга солишни давом эттирар эканмиз, собиқ Совет Иттифоқининг қолган қисмини ҳам тан оладиган пайт келди.

Памела ГАРРИМАН

«Вашингтон пост»,
1992 йил, 26 июнь.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

● **ХДП Хоразм вилояти кенгаши партия аъзолари бўлган республика, вилоят, шаҳар ва район халқ депутатларининг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлаш, икки томонлама ўзаро мулоқотлар йўлидан самарали фойдаланиб, партиянинг обрўси ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Вилоят кенгаши ҳузурида фаолият кўрсатаётган депутатлар қабулхонаси бу борада «ишончли кўприк» вазифасини бажаряпти.**

Қабулхона ўзининг қатъий иш йўриғига эга. Ҳар ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари белгиланган соатларда хоҳлаган кишиларнинг депутатлар билан ўзаро мулоқоти уюштирилмоқда. Бу ерда қисқа вақт ичида меҳнаткашларнинг ўнлаб вакиллари, ХДП аъзолари ва партиясизлар қабул қилинди. Ўзига хос бундай «очиқ эшиклар куни»да Ўзбекистон халқ депутати, Урганч ёғмой комбинати директори Тельман Мусаев, вилоят Кенгаши депутатларидан медицина фанлари номзоди, 1-вилоят шифохонаси бош врачининг ўринбосари Отахон Юсупов, «Хорезмская правда» рўзномаси муҳаррири Ойхоним Раҳимбоева, ХДП Урганч шаҳар кенгаши биринчи котиби Баҳодир Бобожонов ва бошқа фаоллар ўтказган қабул мулоқотлари депутатлар билан учрашувга келган кишиларда яхши таассурот қолдирди.

Депутатлар қабулхонасида ўтказилаётган бундай учрашувлар уларнинг халқ хизматкори сифатидаги бурчлари ва вазифаларини рўёбга чиқаришга, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганишга, улар кўтараётган муаммоларни тезроқ ҳал қилишда янада самарали фаолият кўрсатишга ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

ХДПнинг район кенгашлари ҳузуридаги депутатлар қабулхоналари иши ҳам меҳнаткашларнинг партия билан ҳамкорлигини яхшилаши, элнинг ХДПга бўлган ишончи ва ҳурматини ошираётгани билан диққатга сазовордир.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПОЛИТОЛОГИЯ НИМА?

Дарҳақиқат, бу қандай фан? Юнончадан айнан таржима қилинганда давлат ёки ижтимоий ишлар ҳақида таълимот, сиёсатни ўрганиш маъносини англатади. Политологиянинг фан сифатида вужудга келишини сиёсат ва унинг билан боғлиқ бўлган сиёсий ҳаёт масалаларини назарий жиҳатдан ўрганиш зарурати тақозо қилган. Бу жамиятни бошқаришга, унда ҳукмронлик қилишга дахлдор бўлган давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар, ҳаракатларнинг фаолияти ҳақидаги фандир. Қолаверса, жамиятнинг сиёсий тузилиши, сиёсатнинг ижтимоий иқтисодий, маданий, ғоявий-тарбиявий, ҳарбий жиҳатлари, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари политология фанида ўрганилади ва унинг мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. Аъзамхўжаев раҳбарлигида профессорлар, доцентлар ва катта ўқитувчилар ҳамкорликда тайёрлаган «Политология асослари» номли китоб «Университет» нашриётида яқинда чоп этилди.

Ачинарли томони шундаки, собиқ Иттифоқдаги барча республикаларда политология фанини ўрганиш ва ўқитиш масаласига узоқ йиллар давомида ўта эътиборсизлик билан қараб келинди. Ҳатто кўп ҳолларда у буржуа фани, илмга зид фан деб талқин қилинди. Ҳолбуки, собиқ Иттифоқда ҳам сиёсий ҳаёт, сиёсий ташкилотлар мавжуд эди. Фақат 60-йилларнинг бошидагина бу фанга қизиқиш пайдо бўлди. Республикамизда эса 1990 йилдан бошлаб бу фанни ўқитишга тайёргарлик бошланди.

● КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Ўқув қўлланма уч бўлимдан иборат. Уларда Ўзбекистон ҳудудида сиёсий қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, жамиятнинг сиёсий ҳаёти, сиёсат ва халқаро муносабатлар масалаларига алоҳида эътибор берилади. Китобча асосан олий ўқув юртларининг талабалари, аспирантлар учун ўқув қўлланма ҳисобланса-да, ундан сиёсий масалалар билан қизиқувчи китобхонлар ҳам зарур маълумотлар олиши шубҳасиз. Айниқса, Ўзбекистон ҳудудида яшаб, ижод этган буюк мутафаккирлар Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг илмий, тарихий, бадиий асарларида ўзи яшаган жамиятнинг сиёсий ҳаётига сиёсий муносабатларининг баёни ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

«Амир Темур ва унинг сиёсий қарашлари» номли алоҳида боб эса кучли марказлашган давлат ўрнатиш учун курашган Қутбиддин ва Соҳибқирон каби унвонларга сазовор бўлган саркардага бағишланади. Шу пайтгача қораланган буюк давлат арбобининг «Темур тузуклари» асари ва ундаги сиёсий фикрлар рўй-рост таҳлил этилган.

Мазкур қўлланмада республикамизда рўй бераётган демократиялаш жараёни ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг вужудга келиши, уларнинг фаолияти хусусида батафсил тўхтаб ўтилган. Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий алоқалари унинг халқаро майдондаги обрўйини оширмоқда. Қатор чет давлатлар билан тузилаётган ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар бунинг далили.

Ўйлаймизки, «Политология асослари» номли китобча бу фаннинг дастлабки тарғиботчиси бўлиб хизмат қилади.

У. ФАЙЗИЕВА.

• Изланиш сабоқлари

ЯНГИЛИККА ЙЎЛ ОЧАЙЛИК

● ТЕСТ-СИНОВ НИМА ЎЗИ?
● БАҲСНИНГ САБАБИ БОР
● ЎҚУВЧИНИНГ БИЛИМИНИ АНИҚ БАҲОЛАШ УСУЛИ
● МАКТАБДА ЎЗЛАШТИРИШНИ ЯХШИЛАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА
● КЎРСАТМА КЎТМАЙЛИК

● 1991—1992 ўқув йили ниҳоясида ҳаётга бир янгилик қадам қўя бошлади: қатор олий ўқув юртларида абитуриентларни студентликка қабул қилиш ЭҲМ лар ёрдамида тузилган тестлар билан амалга оширилади. Бу тажриба асосида тестлар тузиш ва тест-синов ўтказиш тартиб-қоидалари ҳамда тизимлари мукаммаллаштирилади. Келгуси йилдан бошлаб барча олий ўқув юртларига кириш тест-синов ўтказадиган алоҳида Марказ тавсияси билан амалга оширилса ажаб эмас. Олий мактабда кириш имтиҳонларини ўтказишни такомиллаштириш борасида охирги икки-уч йил давомида турли поғоналарда муҳокама қилинаётган бу янги услуб ниҳоят атак-чечак қила бошлади.

Тест ўзи нима? Тест-синов ўтказиш қандай амалга оширилади? Олий ўқув юртига кириш учун қандай фанлардан тестлар бўлади? Бу каби саволлар кўплаб пайдо бўлиши табиий. Чунки ёшларимизнинг келажагини аниқлашдек нозик масалани ҳал қилишда ҳаётимизга янгилик кириб келяпти. Тест-синовга оид зарурий саволларга бу йилги кириш имтиҳонларини тест-синов билан ўтказиш жумҳурият Давлат қабул комиссиясининг масъул ходимлари рўзнома, радио ва телевидение орқали тегишли чиқишлар қилиб, тушунтириш ишлари олиб борадилар. Камина эса бу янгилик ҳаётимизда ўз ўрнини топиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларни баён қилиш билан таълим-тарбия соҳасида фаолият кўрсатётган ҳамкасблар орасида тест мавзуида баҳс ўтказилса мақсадга мувофиқ иш бўлармиди деган умидни изҳор этмоқчиман, холос.

Махсус адабиётларда ёзилишига кўра ва ривожланган давлатларга бориб келган мутахассисларимиздан эшитган маълумотларни умумлаштирган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин. Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари алоҳида ташкил этилган қабул комиссияси— тест-синов ўтказиш комиссияси томонидан амалга оширилади. ЭҲМлардан мумкин қадар кенг фойдаланилади. Синов натижалари кўп баллик система асосида абитуриентларнинг рейтинг сони аниқланади. Ана шу рейтинг, яъни абитуриент тўплаган баллар йиғиндиси сонига кўра унинг олий ўқув юртида ўқиши мумкинлиги аниқланади. Жаҳонда тест тузиш, тестдан ўтказиш (тест-синов ўтказиш) марказлари фаолияти, уларнинг мавқеи турлича бўлса-да асосий ғоя ягона: олий ўқув юртларига билими юқори ўқувчиларни тавсия этиш.

Ривожланган мамлакатлар тест тузиш ва тест-синов ўтказиш методологиясини бир неча ўн йилликлар давомида такомиллаштириб келмоқдалар. Толеимиз шундаки, мустақиллик шарофати туфайли бошқа мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, тест муаммосини нисбатан қисқа муддатда ҳал этиш имконига эгамиз. Ана шу имкониятдан тўғри фойдалана олишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Тўғри фойдаланиш иборасининг заминида иккита муҳим вазифа бор. Биринчиси, мавжуд ва кўп йиллар давомида тажрибадан муваффақиятли ўтиб келаётган тест намуналари ҳамда тегишли ЭҲМ программалари, тест-синов ўтказиш марказларининг фаолиятига оид барча масалаларни таҳлил қилиш ва республикамизда жорий этиш учун тавсияномалар яратиш. Бу борада Республика Президентининг айрим институтларда имтиҳонлар тест-синовлар билан ўтказилиши ҳақидаги фармонига мувофиқ Республикада Талаба-танлов маркази фаол иш олиб бораётгани диққатга сазовордир. Иккинчи вазифа бутун республикамиз аҳолисини тест ва тест-синовдан ўтиш деган янгиликка руҳий жиҳатдан тайёрлаш. Бундан кейинги ҳаётимизнинг ҳар бир босқичида, ҳар бир поғонасида бир неча тест-синовлардан ўтиш, таълим-тарбия ишларидан тортиб, барча корхоналарда ишбилармонлик ва билимдонлик қобилиятимизни тестлар орқали аниқлаш одат тусига айланади.

Масаланинг энг нозик ва мураккаб томони шундаки, кириб келаётган ана шу янгиликка тезкорлик билан онгимизда кўникма, кўникма бўлгандаям кўп қиррали тест, тестдан ўтиш ибораларининг том маъносини чуқур англаган ҳолда кўникма ҳосил қилишимиз зарур. Одатда психологик тайёргарлик, кенг халқ оммасининг онгида, руҳиятида инқилобий ўзгаришларни амалга ошириш кўпроқ вақтни талаб этади. Бу муҳим психологик кўникма мактаб ўқувчилари ва муаллимлар ҳамда ота-оналаримизда қанчалик қисқа муддатда амалга оширилса, ўрта мактаб ва олий таълим ўқув юртларининг таълим-тарбия ишларида тубдан ўзгариш ҳам шунчалик тез боради. Демак, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда ҳам тубдан ўзгариш бўлади. Жаҳон бозорига кириб бораётган Ўзбекистон қисқа муддат ичида юқори поғоналар учун беллаша олади. Бу вазифа биринчи навбатда ҳар бир мактаб ўқитувчисининг янги 1992—1993 ўқув йилида улар зиммасига катта масъулиятни юкламоқда. Шу боисдан мактабларда тест ўтказиш, унинг турлари, услубияти, қоларверса, фойда ва камчилик томонлари каби барча қирралар ҳақида мумкин қадар кенгроқ фикр алмашиш август педагогика кенгашлари учун долзарб ва энг зарур мавзу деб қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Баҳсни шундай бошласак. Энг содда қилиб айтганда, тест-синовдан ўтиш қуйидагича бўлади: фараз қилайлик, ўтилган дарс мавзуи бўйича бир неча саволлар тузилган. Ҳар бир саволга мос равишда уч ёки бештадан жавоблар ҳам келтирилган. Тест-синовдан ўтувчи шахс ҳар бир саволга ўзи тўғри деб билган жавобларини белгилайди. Яъни тагига чизиб қўяди. Ёки тегишли рақам белгиси устидан икс ёки айланма чизиқ билан ҳам ажратиши мумкин. Битта саволга келтирилган жавоблар беш баллик система асосида баҳоланган бўлса, синовдан ўтаётган шахснинг тест вариантидаги саволларга берган жавоблари кўп баллик система асосида оддий арифметик ҳисоблаш билан аниқланади. Тест вариантидаги саволлар бўйича юқори балл тўплаш тест-синовдан ўтаётган шахс учун унинг билимдонлиги, топқирлиги, ақл-заковати ва қобилиятига боғлиқ бўлади.

Тест усули билан кўзда тутилган мақсадни ҳал этишда хатолар мумкин қадар кам бўлиши учун тест вариантида биринчи навбатда саволлар сони кўп бўлиши керак. Иккинчи томондан, саволлар кўзда тутилган мақсадни турли жиҳатдан ёрита олиши лозим. Жавоблар эса баҳоли бўлади. Кўп ҳолларда, масалан ГАИ имтиҳон вариантларида бир неча жавоблардан фақат биттаси тўғри ҳисобланади, қолганлари эса йўқ. Бу «ҳа» ва «йўқ» шаклидаги тест-синовдир. Бу йўл билан билимдонлик даражасини аниқроқ баҳолаш вариантдаги саволлар сони жуда ҳам кўп ва маълум даражада ўзаро тўлдирувчи ҳамда зиддиятлироқ бўлишини тақозо этади. Агар ҳар бир жавоб тегишли равишда баҳоланган бўлса шу орқали савол бўйича тушунчани баҳолаш имкониятига эга бўлинади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, тест вариантида келтирилган жавоблар баҳолари синовдан ўтаётган шахс учун мутлақо номаълум бўлиши шарт. Тест-синовдан ўтишнинг энг муҳим шартларидан яна бири шундаки, савол ва жавоблар маъноси аниқ, равшан бўлиши ва жавоб учун ажратилган вақт ўрта ҳисобда ҳар бир савол учун бир минутдан ортмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Ҳўш, мактаб шароитида, кундалик ўқиш жараёнида тест-синов ўтказиш қандай бўлиши мумкин. Одатда ўтилган дарс темасини сўрашга, яъни ўқувчининг шу мавзу бўйича билимини аниқлашга 15—20 минут вақт ажратилади. Шу вақт ичида тўрт ёки беш нафар ўқувчининг унга берилган саволларга жавоби баҳоланади. Агар жавоб бераётган ўқувчи дарс тайёрламаган ёки бўш тайёрлаган бўлса, унга берилган савол бир нечта ёрдамчи «кичик» саволларга бўлинади ва ўқувчи берган жавоблар асосида унинг асосий («катта») саволга жавоби баҳоланади. Тест вариантидаги саволлар «кичик» саволларга ўхшайди. Аксарият ҳолларда бир сўзли ёки бир гапли жавоблар бўлади. Ўқувчи дарсда саволга жавобини тушунтириб берса, тестда ўз тушунчасига мос жавобни тўғри деб кўрсатади. Аслини олганда ҳар бир дарс темаси бўйича тест нусхалари тузилса жуда ажойиб бўларди. Лекин бунинг учун ЭҲМдан фойдаланишдан бўлак йўл йўқ кўринади. Мактабларнинг моддий-жиҳозланиш даражаси ва ЭҲМлар билан таъминланиш етарли эмаслигини ҳисобга олсак, тест-синовни фанлар бўйича ўқув дастурида кўрсатилган контрол ишлар учун ажратилган ҳафталарда ўтказиш мумкин. Бу ҳолда тест нусхасидаги саволлар бир неча дарс мавзуи бўйича тузилган бўлади. Тест тузиш ва тест-синов ўтказиш борасида мактаб ўқитувчиларининг тажрибаси камлиги ҳисобга олинса, дастлабки пайтда одатдаги савол-жавоб усули билан тест усулини билим даражасини баҳолашда биргаликда ишлатиш мумкин.

Одатда дарс вақтининг 15—20 минутида атиги тўрт ёки беш нафар ўқувчига баҳо қўйилади. Қолган ўқувчилардан эса кейинги дарсларда сўралади. Билимларни тест бўйича баҳолашнинг афзалликларидан бири шундаки, агар ўнтагача бўлган саволлардан иборат тўрт ёки бештагина тест нусхаси тузилса, дарс вақтининг 10—15 минути ичида барча ўқувчи билимини баҳолаш имкониятига эга бўлинади. Иккинчи томондан, ўқувчини дарсларни узлуксиз ва изчил тарзда тайёрлаб боришига мажбур қилинади. Демак, ўзлаштириш юқори бўлади.

Юз маротаба эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши деганларидек, физика фанида «Атмосфера босими» мавзуига оид тест учун саволлардан бир-иккитасини мисол тариқасида келтирсак. Савол: нормал шароитда атмосфера босими қиймати нечага тенг? а) 1 Ньютон метр-квадрат б) 76 миллиметр симоб устуни; в) 101. 308 па; г) 760 миллиметр симоб устуни; д) 1 атмосфера. Савол: атмосфера босими одамнинг ҳаракат тезлигига боғлиқми? Жавоб: 1) тезлик ошса, атмосфера босими ҳам ортади; 2) тезлик камайса, атмосфера босими ортади; 3) боғлиқ эмас; 4) тезлик ошса, босим камаяди; 5) ҳавонинг қаршилик кучини ҳисобга олиш керак. Иккинчи саволда фақат биргина жавоб—3) боғлиқ эмас—тўғри, демак, аслида бу тест-савол «ҳа» —«йўқ» типига мос келади. Биринчи савол-жавоблар ичида энг тўғриси в) ва нотўғриси б).

Тест-синов ўтказишда кўп баллик баҳолаш системаси ишлатилади. Фараз қилайлик, тест нусхада ўнта савол бўлиб, ҳар бир саволга бештадан жавоб келтирилган. Жавоблар эса беш баллик системага кўра бир баллдан беш баллгача баҳоланган. Агар ҳамма саволларга беш баллик жавоблар топилса, йиғинди балл эллик ва энг кам, яъни бир баллик жавоблар белгиланса жами ўн балл тўпланган бўлади. Синовдан ўтувчи тўплаган баллар сони ўттиздан 37 гача бўлса қониқарли баҳо, 37 дан 44 гача бўлса—яхши баҳо, 44 дан 50 гача—аъло баҳо қўйиш мумкин. Албатта, баллардан оддий баҳоларга ўтишнинг бошқа усуллари ҳам бўлиши мумкин. Билимларни кўп баллик система билан баҳолашдан чорак баҳоларини чиқаришда ҳам фойдаланса бўлади.

Ўқувчининг билимини тест йўли билан баҳолашнинг бир қатор афзалликлари бор. 1) Ўқувчи кундалик дарсни ўз вақтида ўзлаштириб боришга мажбур бўлади; 2) жавоблардан тўғрисини топиш, мустақил фикрлашга ўргатади; 3) ўқувчилар фикрида «менга нотўғри баҳо қўйилади» деган салбий ҳолатга ўрин қолмайди; 4) олий ўқув юртларида бошланаётган, ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган студентлар билимини рейтинг сони билан кўп баллик тизимда баҳолашга кўникма ҳосил бўлади; 5) ва энг муҳими тест усули билан олий ўқув юртларига қабул қилишда барча тушунмовчиликларнинг олди олинади. Тест бўйича билимдонлик ва ишбилармонлик фазилатлари баҳоланганда субъективизмга ўрин қолмайди ҳисоб. Демак, бугунги кунда таълим-тарбия тизимидаги зарур вазифа тезроқ психологик кўникма ҳосил қилиб, тест-синовларга тайёр туришдан иборат.

Тўғри, бу ишда ташаббускорликни бир чеккага йиғиштириб, вазирликдан тегишли қарор, кўрсатма юборилишини ва ҳатто «тўхтаб турайлик-чи, бу йилда синовдан ўтказиладиган тест услуби қандай натижа бераркин. Қош қўяман деб кўз чиқариб қўймайлик шошма-шошарлик оқибатида» қабилида йўл тутишни хоҳловчилар балки кутилганидан кўпроқдир. Эътирозларнинг яна бошқачароқлари ҳам бор. Фикримизнинг бошида айтилганидек, энг муҳим вазифа ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналаримизда тестга психологик кўникма ҳосил қилиш, тезкорлиги билан эртанги кунимиз, мустақиллигимиз пойдевори пишиқ бўлишининг гарови чамбарчас боғлиқлигини яна бир бор эслатиш мақсадга мувофиқдир. Камина ўқувчилар билимини баҳолашни такомиллаштиришда кашфиёт яратмоқчи эмас ёки ўзини тест ўтказиш бўйича мутахассис қилиб кўрсатмоқчи ҳам эмас. Мақсад битта. Ҳаётимизга янгилик кириб келяпти. Бу янгиликни қанчалик тез сингдириб олсак, таълим-тарбия ишларимизда яхши маънодаги ўзгаришлар шунчалик тез амалга ошади.

А. ФАЙЗИЕВ,
ТошДУ доценти.

(Қалам ҳақини Тошкентдаги 21-болалар уйи жамғармасига ўтказишингизни илтимос қиламан).

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

Воқеалар

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚАРЗ

● Америка Қўшма Штатлари экспорт-импорт банки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг уч республикасига қисқа муддатли кредитлар берилишини эълон қилди.

Беларусь, Қозоғистон ва Ўзбекистонга Американинг экспортини пул билан таъминлаш мақсадида қисқафурсатли қарзлар берилади. Қўшма Штатларнинг мазкур банки давлатнинг кафолатлари ёрдамида кредит бериш ва уларни суғурта қилиш воситасида экспортни давлат маблағи билан таъминлайди. Банк жаҳондаги юздан зиёд мамлакат билан ташқи иқтисодий фаолиятни давом эттириб келмоқда.

ЭЛЧИ ТАЙИНЛАНДИ

● АҚШ Президенти Жорж Буш Қўшма Штатларнинг Қозоғистондаги элчисини тайинлади.

Уильям Гаррисон Корт — АҚШнинг Қозоғистондаги элчиси бўлди. У 48 ёшда. Икки университетни тугатган. Фалсафа фанлари доктори. Сўнгги вақтларгача Корт Американинг Олмаотадаги муваққат вакили бўлди.

ДАВЛАТНИНГ ЯНГИ БОШЛИҒИ

● Жазоир Олий Давлат Кенгашининг янги раиси сайланди.

Кенгашнинг 64 ёшли аъзоси Али Кафи раис бўлди. У Жазоир Олий Давлат Кенгашини тузган кишиларнинг бири. Али Кафи мамлакатдаги шу коллектив раҳбар органнинг энг мўътабар шахслардан бири ҳисобланади. Қонунга биноан президент истеъфога чиққан ёки вафот этган тақдирда Олий Давлат Кенгашининг аъзоларидан бири давлатнинг янги бошлиғи бўлиб қолади. Али Кафи суиқасд вақтида ҳалок бўлган собиқ раис Муҳаммад Будиафнинг ўрнини эгаллайди.

хабарлар

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАЁТИР

● Мустақил Ўзбекистон хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларни кенг йўлга қўймоқда.

Қўқон шаҳрида Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси очилди. «Сан—Те» номли корхонада чармдан ишланган эркакларнинг устки кийимлари тикилмоқда. Зафур дастгоҳлар Туркиядан келтирилган.

Тошкент олий ўқув юртларининг 7 нафар талабаси ёзги таътилни Польшада ўтказади. Улар Краков шаҳри корхоналарида ишлайдилар. Ёшлар учун бундай имкониятни Ўзбекистонда иш кўраётган «Светлица Польска» жамоат маданий маркази яратди. Кейинчалик иккала мамлакат бундай ҳамкорликни кенгайтириш тадбирларини кўзда тутади.

ШАРТНОМА МАЪҚУЛЛАНДИ

● АҚШ конгресси сенатининг ташқи ишлар комитети стратегик ҳужум қуролларини чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги шартномани маъқуллади.

Бу ҳужжат қарийб ўн йиллик музокаралардан кейин ўтган йили Москвада имзоланган эди. Ҳужжатда Американинг ҳамда Россия, Украина, Беларусь ва Қозоғистон ҳудудларига жойлаштирилган собиқ совет ядро аслаҳаҳоналарини тахминан 35 фоиз қисқартириш назарда тутилади.

МУЗОКАРАЛАР ЙЎЛИ БИЛАН

● Бавария пойтахти — Мюнхен шаҳрида Ғарб дунёсининг етти етакчи мамлакатларн раҳбарларининг учрашувида қатор масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Учрашув Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кейин илк бор вужудга келган янги шароитда ўтаётир. Ғарбнинг Россияга ва собиқ Совет Иттифоқидаги бошқа давлатларга ёрдам бериш масаласи кун тартибининг энг муҳим масалаларидан биридир.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

НАМАНГАН

СИФАТЛИ МУРАББОЛАР

● УЧҚУРҒОН районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги жумҳурият халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг совриндорларидан бири бўлди.

Бу ерда иш бошлаган қовун ва қулупнайдан мураббо тайёрлаш кичик корхонасининг маҳсулотлари муносиб баҳоланди. Ўтган йили цех ишчилари 45 минг шартли банка қулупнай, 35 минг банка қовун, 100 мингдан зиёд бошқа хил маҳсулотлар тайёрлашга эришиб, мўмай даромад қилдилар. Жамоа хўжалиги кичик корхонаси мурабболари нафақат вилоят, балки қўшни вилоят ва жумҳуриятларда ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

ДАРОМАД МАНБАИ

● НОРИН районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги ўзига хос даромад манбаига айланган.

Ўтган йилнинг ўзида бешта янги цех ишга туширилди. Консерва, гишт қуйиш, асфальт ишлаб чиқариш кичик корхоналаридан хўжалик хазинасига катта фойда тушди. Консерва маҳсулотлари сотишдан 213 минг, гишт ишлаб чиқариш корхонасидан 318 минг сўм фойда олинди. Хўжалик раҳбари Ўктамжон Асқаровнинг таъкидлашича, яқинда яна учта кичик корхона ишлай бошлайди. Натижада бундай ёрдамчи тармоқлар сони 17 тага етади. Даромад камида — ярим миллион сўмга етказилади.

М. ГИЕСОВ.

БИДЪАТ ВА ХУРОФОТ

• СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ, МУШТАРИЙ?

1.

Биз ҳозиргача бидъатни эскилик сарқити деб тушунамиз, бу — янглиш.

Бидъат — арабча «бадааъ», «биринчи марта бирор янгилик яратиш» феълидан олинган бўлиб, «янги нарса, янгилик» маъноларини билдиради. Қуръони каримда бу сўз фақат бир марта Ал-аҳқорор сурасининг 9-оятида «янгилик» маъносида учрайди: «Эй Муҳаммад, «Мен пайғамбарлар орасида бир янгилик эмасман, мен билан сизлар ҳолимиз нима бўлишини ҳам билмайман» деб айт».

Ислом пайдо бўлиб, дин сифатида қонунлашгандан кейин нимаики пайдо бўлган бўлса, уни бидъат деб аталган. Бидъат икки хил бўлади, яъни икки шаклга эга:

1. Бидъат ал-ҳасана — яхши, фойдали янгиликлар. Агар бидъат халқнинг ҳаётини яхшилашга хизмат қилса ва ислом қонунқоидаларига зид бўлмаса, ундай янгиликларни Ислом ҳамма вақт қўллаб-қувватлайди ва уларга қарши курашмайди.

Ҳар хил машиналарнинг пайдо бўлиши, самовар, керосин лампаси, кейинчалик эса электр, извош, енгил ва юк автомашиналари, поезд, пароход, самолёт ва бошқа янгиликлар бидъати ҳасана ҳисобланади ва булар халқ ҳаётини яхшилаш учун хизмат қилади. Бундай янгиликларни Ислом қўллаб-қувватлайди.

2. Бидъати сайиъа — ёмон, жирканч янгиликлар. Қандай янгиликларни биз бидъати сайиъа деб атаймиз?

Ўликни дафн этиш маросимларидан бошлайлик. Шариат бўйича жасадни ювиб (сув билан, сув бўлмаса қум билан), уни кафанга ўраб (кафан оқ суруп ёки читдан бўлиши, агар булар бўлмаса Қуръонда ҳалол қилинган ҳайвонлар терисидан бўлиши ҳам мумкин), кейин жаноза намози ўқилади ва жасадни қабрга дафн этилади. Ўлик чиққан уйда фақат уч кун аза тутиш ҳукм қилинган. Шу уч кун ичида вафот этган киши уйида фақат унинг энг яқин қариндошлари учун овқат пиширилади, кўп ҳолатларда эса қўни-қўшнилар овқат чиқаради. Шариат вафот этган киши учун овоз чиқариб йиғлашни (айниқса, хотинлар томонидан) қувватламайди. Ўлик дафн этилгандан кейин уч кунгача қариндош-уруғлар келиб, таъзия билдириб туришади.

Мана шу айтганларимиз дафн ва мотам учун шариат рухсат этган маросимлардир.

Дафн маросимлари муносабати билан пайдо бўлган бидъати сайиъалар, ёмон янгиликлар ниҳоятда кўп бўлиб, исломни қабул қилган турли миллат ва халқларда турли-туман шаклларда пайдо бўлган. Улардан биз одат тусига кирган баъзи ёмон бидъатларни айтиб ўтайлик:

— Яқин кишиси ўлган аёлларнинг йиллаб қора кийимда юриши, ҳар хил тақинчоқлар тақмаслиги, аза, оқ кийди каби маросимларни ўтказиш.

— Вафот этган кишининг фарзандлари ёки бошқа авлодлари томонидан ўтказиладиган уч, етти, йигирма, қирқ, йил оши каби ҳамма маросимлар, рамазон ва қурбон ҳайитида уч кунлаб эшик олдида туришлар исломга зид бўлган энг ёмон бидъатлардир.

— Вафот этган киши қабрига мармар ва бошқа нарсалардан ҳашаматли ёдгорликлар қўйиш, баъзан ўлган киши расмини мармарга ўйиб қўйиш, қабр устини бетонлаб юбориш.

— Авлиёлар, ўтган авлодлар руҳига сиғиниш, уларнинг қабри ёнида оқ матолар пишириб, улардан мадад сўраш (фарзанд тилаш, бирор мусибатдан ёки касалликдан халос қилишни сўраш). Бундай нарсалар Исломдан олдин Хитой, Юнонистон, Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда мавжуд бўлган, айрим жойларда ҳозиргача сақланиб, баъзан уларга диний тус берилади (айниқса, хотинлар ўртасида). Булар ислом қонунларига бутунлай зид бўлиб, ёмон бидъатлардир.

Тўйлардаги бидъатлар ҳам жуда кўп. Суннат, яъни хатна тўйлари қилиш, уларда базмлар ўтказиш ҳам ёмон бидъатлардан. Шариатда фақат хатна қилиш суннат, уни пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом буюрганлар.

Никоҳ тўйларида ҳам жуда кўп бидъатлар ҳукм суриб келмоқда. Хотинлар орасидаги оқлик олди, паҳта берди кабилар. Келинга атаб йигирматалаб кўйлак ва бошқа сарполар қилиш, куёвга ҳам бир неча турли кийим-кечаклар бериш, ортиқча кўрпа-тўшаклар қилиш, гарнитур-мебеллар бериш... Бундай ёмон бидъатлар Ислом динида йўқ, уларни айрим кишилар ўйлаб топган.

Азаймхонлик, яъни касалларни турли дуо ўқиш, ҳар хил нарсалар билан савалаб, дам солиб даволаш, туморлар ёзиб бериш ва буларга ишониш ҳам ёмон бидъатларга киради.

Туморларга ишониш ва уларни тақиб юриш ибтидоий жамоа тузумидан қолган ва дунёнинг кўпгина халқларида учрайди. Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда кўзмунчоқ тақиш энг кўп тарқалган одатлардан биридир. Тумор, кўзмунчоқ кабилар ёмон бидъатлардан бўлиб Ислом уларни қоралайди.

Халқ орасида Қуръон бутунлай ман қилган шундай урф-одатлар борки, уларни одат қилиш ва адо этиш бидъат урф-одатларидан ҳам ёмон бўлиб, шариат бўйича жуда оғир жиноят, гуноҳ ҳисобланади ва буларни адо этган мусулмонлар охиратда энг оғир азобли жазога гирифтор қилинади.

Бундай ёмон урф-одатларга ичкиликнинг ва қиморнинг ҳамма тури, бутга чўқиниш, фоҳишалик, порахўрлик, судхўрлик — яъни пулни фойдага қўйиш, одам ўлдириш, ўғрилик, фитна-фасод кабилар киради.

3.

Ёмон бидъатларнинг энг кўпи аёллар орасида бўлади. Юқорида айтиб ўтганимиз мотам ва тўйлар билан боғлиқ бидъатларнинг кўпи аёллар томонидан ўйлаб чиқилган ва уларни йўқотишга эрларнинг кучи етмайди. Аёллар бундай ёмон бидъатларни расм-русум сифатида қабул қилган, баъзан уларни динга ҳам боғлаб қўйди. Бундан оила қанчалик моддий зарар кўриши, уларни адо этиш эрлар учун қанчалик оғир эканлиги билан аёлларимизнинг иши йўқ.

Бидъат сайиъалар ҳамма жойда бир хил бўлмайди. Тўй ва мотам билан боғлиқ бўлган бидъатлар Исломни қабул қилган давлатларнинг ҳаммасида, Ислом тарқалган жумҳуриятларда, вилоятлар ва ҳатто районларда ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Бидъатлар яшовчан бўлади, баъзилари маълум давр ўтиши билан йўқолиб кетади, ўрнига янгилари пайдо бўлади, баъзилари узоқ давр яшайди.

Хурофот (бирлиги «харифа») — бутунлай ёлғондан иборат бидъат, мутакаббирлик, ғурур туфайли ақлдан озиш, алжираш, бўлмаган гапларни гапириш. Арабларнинг узра қабиласида Хурофа деган киши бўлиб, уни жинлар ўғирлаб кетишган, у қайтиб келгандан кейин шундай ақлга сиғмайдиган ҳикояларни айтганки, қабиладошлари уни ёлғончига чиқарганлар.

Кейинчалик Исломгача бўлган турли эътиқодлар ва ёмон анъаналар хурофот деб аталадиган бўлди. Ақлсизлик билан ўйламасдан айтилган ва қилинган ишлар хурофотга киради. Масалан, ўзини пайғамбар, сеҳргар, деб эълон қилиш, ман Маҳдийи охир замонман, деб чиқиш ана шулар жумласидан.

Ёмон бидъат ва хурофотларнинг Ислом динига алоқаси йўқ, улар Қуръон ва Ҳадисларда зикр қилинмаган. Уларни диний бидъат ва хурофот деб аташ ёки уларга диний тус бериш мутлақо нотўғри. Дин доим уларга қарши курашиб келган.

Халқимизнинг руҳий-маънавий ва моддий ҳаётига ҳар томонлама зарар бўлган ёмон бидъат ва хурофотларга қарши кураш диндорлар, олий ва маҳаллий Кенгашлар халқ вакиллари, ўқитувчилар, маҳалла қўмитаси раислари, мўътабар қарияларимизнинг муқаддас, савобли бурчидир. Айниқса, ҳозирги нарх-наво кундан-кунга ошиб озиқ-овқат ва кийим-кечак танқислиги кучайиб бораётган бир даврда тўй ва мотамлардаги бидъатларга чек қўйилик, эртанги кунни ўйлайлик.

Ҳозиргача нотўғри тушуниб келинаётган

4.

қалин ва маҳр ҳақида ҳам қисқа тўхтаб ўтмоқчимиз.

Қалин сўзи келиб чиқиши жиҳатдан арабча сўз эмас, бу сўз Қуръон, Ҳадис ва бошқа диний китобларда йўқ. Қадимги туркий сўз бўлиб, Маҳмуд Қошғарийнинг XI асрда ёзилган «Девони луғат-ут-турк» китобида «Калин-сеп» деб изоҳ берилган, сеп бериш туркий халқларнинг энг қадимий одатларидан биридир.

Қалиннинг Исломга ҳеч алоқаси йўқ, у қадимги, Исломгача бўлган туркий халқлар орасидаги жирканчли хурофотлардан бўлиб, Ислом тарқалгандан кейин баъзи туркий халқларда сақланиб қолган, илдизи қулдорлик давридаги қизларни сотиш одатига бориб тақалади.

Маҳр эса ҳақиқий диний урф-одат бўлиб, Қуръонда буюрилган. Лекин Қуръонда «маҳр» сўзи ўрнига «садақа», «Садуқа» сўзлари ишлатилган. Ҳадислар ва бошқа китобларда «маҳр» сўзи қўлланиб келинган. Қуръон Нисо сурасининг 4-оятида: «Хотинларингизга маҳрларини ҳадя қилиб (чин кўнгилдан хурсандлик билан) беринг! Агар улар ўзлари сиз учун у маҳрдан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сиз уни пок ва муборак билиб еяверинг» дейилган.

Маҳр — куёв ёки унинг отаси, бўлмаса акасининг келинга берган ҳадяси. Никоҳ ўқишдан олдин берилади, нақд берилмаса гувоҳлар олдида айтиб қўйилади (камида иккита). Уни Қуръонда зикр қилингани учун у келиннинг шахсий мулки, ҳеч ким, шу жумладан, эри ҳам уни тортиб ололмайди. Маҳрга ҳовли жой ёки унинг бир қисми, маълум миқдордаги ер, боғ, уй ҳайвонлари, соф тилла, кумуш, қоғоз пуллари берилиши мумкин. Маҳрни фақат келин — хотин тасарруф қилади. Эр-хотин иттифоқ бўлиб яшашса, келин рухсати билан ҳар иккиси тасарруф қилишади. Агар маҳрга уй-ҳовли берилган бўлса, бирга узоқ вақт яшайверишади, хотин васняти билан болаларга қолади.

Эр ўлса ёки ажралиб кетишса, маҳр хотин ихтиёрида, хоҳласа фойдаланади, хоҳласа сотиб юборилади. Агар эри ёки унинг вафотидан кейин ота-онаси маҳрни беришдан бош тортса, хотин қози орқали маҳрни ундириб олади. Кўриб турибмизки, маҳр қалиндан тамоман фарқ қилади. Қалинни қизнинг ота-онаси олади, маҳр эса фақат келинга берилади. Бу Исломда хотинлар ҳуқуқи қанчалик ҳимоя қилинганлигини кўрсатиб бериш билан бирга никоҳни, оилани мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирги вақтда никоҳдан олдин домла «Келиннинг маҳрига нима берасиз»? деб сўрайди. Куёв ёки отаси гувоҳлар ҳузурида, маҳрга уйдан икки хона ёки унга ҳадя қилинган ҳамма нарсаларни бердик, деб айтади. Халқ суди ҳам ҳадя қилинган нарсаларни агар эр-хотин ажралиб кетса, хотин фойдасига ҳал қилиб беради.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

● Мен Андижон шаҳар ва вилоят судларида қарийб ўн йилдан буён халқ маслаҳатчиси бўлиб ишлайман. Суд жараёнида эр-хотин жанжалидан тортиб, мерос талашишгача, қўни-қўшнилар келишмовчилигидан тортиб, алимент масаласигача кўриб чиқилади. Бизни айниқса, ёш оилаларнинг бекордан-бекорга бузилиб кетиши ниҳоятда ташвишга солади. Ва бунинг бирдан-бир сабаби деб ҳар икки ёшнинг ҳаётга тайёр эмасликлари деб биламан.

Бундоқ ўйлаб кўринг, ўғил бола 18 га киргунча ўрта мактабда ўқийди. Кейин ҳарбий хизматни ўтайди. Хизматдан қайтгач, унга 18 га кирган қизалоқни олиб берамиз. Йигит ҳам, қиз ҳам ҳаётларида нима кўрдилару, нимага эришдилар?! Баъзида ёш келинчаклар рўзғорни тебратолмайдилар. Қайнона-қайнотага, эрга қандай муомалада бўлишни ўрнига қўйолмайдилар. Нафақат қизлар, балки йигитлар ҳам муомалага ўргатилмаган бўлишади. Шундай экан, йигитни ҳам, қизни ҳам мустақил ҳаётга тайёрлаш керак. Йигит оилани моддий таъминлашга эришмас экан обрўйи бўлмайди. Келин ширин таом пишира олмаса, тушган хонадонидаги каттадан-кичик ҳурматини ўрнига қўйолмаса, уй-рўзғор ишларини пала-партиш бажарса кўнгил хиралик пайдо бўлади. Шундай экан, яна бир бор қайтараман: биз — ота-оналар кўзларимизнинг оқу-қароси фарзандларимизни мустақил ҳаётга тайёрлайлик.

У. ХОЛИҚОВ,
Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

БОЛА БОШИДАН...

● Ота-онага ўз фарзанди қанчалар азиз бўлмасин, фарзанда ҳам умри ўтиб бораётган ота-она шундай азиз бўлмоғи жоиз. Ота-она ҳурматини ўз ўрнига қўйган бир ўғил ҳақидаги ривоятни эшитгандирсиз: у отам ва онам уйдан ҳовлига чиқсаларгина томга чиқиб қорни курайман, деб томга чиқмаган экан. От миниб бораётган йигит беш-олти қарияга дуч келибдию, лип этиб отдан тушиб, икки қўли кўксида қарияларга салом берибди. Кексалар ундан узоқлашиб кетишгачгина отига миниб йўлига равона бўлибди.

Бу мисоллар ёшларимиз ахлоқ-одоби, тарбияси учун қатъий меъзон эмас, албатта. Ҳозир қор курайдиган ёки отда юрадиган замон эмас. Ҳар кимнинг ўзидан катталарга илтифоти ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин катталарга ҳурмат-эътибор, меҳр билан қарамоқ, умумий меъзон бўлмоғи лозим.

Мен Тошкентнинг Собир Раҳимов районидаги «Янги турмуш» маҳалласида яшайман. Тўйларнинг ихчам ва камҳарж ўтишига маҳалла қўмитаси раиси Ниғматулла ака Зоҳидов, раис муовини Тўхтажон ака Собиров, маҳалланинг котибаси Муҳаббат Исломова ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу фаоллар иштирокида ўтаётган тўйлар меъёридан чиқмайди. Кўнгилсиз воқеалар рўй бермайди. Маълумки, ёшларнинг ҳулқ-одоби кўпинча ана шундай тўй-маросимларда сезилиб қолади. Биз ёшларимиз билан фахрланамиз. Бу билан айтмоқчиманки, маҳаллада ўтказиладиган тўй ва маросимлар ёшлар учун тарбия мактабини ўтамоқда. Маҳалла ёшларининг бир-бирлари билан иноқликларини аввало, яхши ҳулқли ота-оналари туфайли деб биламан.

А. ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

● ОДОБНОМА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

КВАРТЕТ

ИНВЕСТИЦИОН КОМПАНИЯСИ

эркин кредит ресурсларини банк ёки сугурта компаниялари кафолати билан қабул қилади (кредитларнинг қиймати ва муддатига қараб).

БОЗОР КУРСЛАРИДА

Ташкилотлар ва алоҳида шахслардан нақд ҳамда пул ўтказиш йўли билан валюта сотиб олади.

БИЗНИНГ ИККИНЧИ НОМИМИЗ - КАФОЛАТДИР!

Телефонларимиз: (095) 902-27-63, 593-62-13. Тел\Фах (095) 2154906.

● *Устозингдан айрилма*

МУАЛЛИМА ОПА

● Жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи Марям Ёқубованинг номи Хоразм заминидагина эмас, ҳатто республикадаги кўплаб ҳамкасбларига ҳам таниш ва ардоқлидир. Зеро, у собиқ СССРнинг «Халқ ўқитувчиси» фахрий унвони ҳамда қатор юксак нишонлари билан ҳам тақдирланган эди.

Марям Ёқубова бундай эҳтиромга ўзининг моҳир педагоглик фаолияти, ташаббускор ва ташкилотчилиги, тиниб-тинчимас жамоатчилиги, ёш авлодга билим ва тарбия беришда ўз услубини яратганлиги учун мушарраф бўлган эди. У 1952 йилда Хоразм давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини битказиб, Урганч шаҳридаги Максим Горький номли ўрта мактабда муаллимлик қилабошлади. 1958-1962 йилларда шаҳар халқ таълими бўлимига етакчилик қилди, 1962-1992 йиллар мобайнида эса шаҳардаги 94-сон мактаб-интернат директори вазифасида самарали фаолият кўрсатди. Мактаб-интернат унинг раҳбарлигида воҳадаги ажиб илм даргоҳи ҳамда тажриба ўчоқларидан бирига айланди. Бу ерда жумҳуриятимизда турли фанлар бўйича олимпиадалар кўп маротаба ўтказилди. Опанинг ўша мактаб-интернатдан катта ҳаётга йўлланма олган ўнлаб шогирдлари етук мутахассислар бўлиб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар сафида кўплаб фан номзодлари ҳам бор.

Яқинда Урганч шаҳар жамоатчилиги вакиллари Огаҳий номидаги вилоят театри муҳташам биносига тўпланишиб, воҳанинг таниқли муаллимаси ижодий кечасини ўтказишди. Тантанали нишонланган кечада атоқли муаллима туғилган куннинг 60, педагоглик фаолиятининг 40 йиллиги ҳақида, опанинг етук инсонийлик ва муаллимлик фазилатлари хусусида табрик ва фахр-ифтихор сўзлари изҳор этилди. Санъаткорлар эса катта дастурда дилрабо концерт намойиш қилишди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Табиат қўйнида сайр этиш, ўт-ўланларнинг ўзига хос бетакрор исини туйиш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Самарқанд шаҳридаги 63-мактаб ўқувчиси В. Быструшкина нафақат табиат шайдоси, у доривор гиёҳлар йиғишни ҳам ёқтиради.

И. ПАРТНОВ олган сурат.

● КИЧИК КОРХОНАЛАР

● Гўшт комбинатларида, қушхоналарда ўнлаб, юзлаб қорамоллар сўйилади. Лекин унинг қони чиқинди сифатида ташлаб юборилади. Андижон тиббиёт олий илмгоҳининг бир гуруҳ кимёгар олимларидан Э. Мирзабоев, Р. Мирзажонов, Т. Тожибоев, Э. Иброҳимов ва бошқалар сўйилган соғлом ҳайвонлар қонидан доривор маҳсулот — гематоген ишлаб чиқариш мақсадида «Ҳамкорлик» илмий-ишлаб чиқариш кичик корхонаси очдилар.

Корхонада тайёрланган гематоген таъми, фойдалилиги, кимёвий ҳоссалари жиҳатидан Уфа, Бишкек шаҳарларида ишлаб чиқарилаётганидан сира қолишмайди.

ЯНГИ ДОРИВОР

Гематоген кам қонли кишилар учун фойдали доривор. Унга эҳтиёж катта. Лекин у жумҳуриятимизга четдан келтирилади. Шунинг учун етарли эмас. «Ҳамкорлик» кичик корхонаси Андижон гўшт комбинати билан шартнома тузди. Комбинат директори Ш. Бобоев, вилоят дорихоналар бошқармасининг бошқарувчиси Э. Қулабдиев «Ҳамкорлик» кичик корхонасининг кимёгар олимлари ташаббусини қўллаб-қувватлаб хайрли ишга йўл очиб бердилар. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам «Ҳамкорлик» кичик корхонасига гематоген ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишда тегишли ёрдам кўрсатсалар яхши бўларди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КВАРТЕТ

САВДО УЙИ

ЭРКИН МУОМИЛАДАГИ ВАЛЮТА ВА СЎМЛАРГА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ.

Оргтехника: "Olivetti ETP55" ёзув машиналари; "Canon", "Olivetti" кўчириш аппаратлари; шахсий компьютерлар; алоқа жиҳозлари (Ўзбекистонга 30 донадан кам бўлманган партия жўнатилади); "Sledgers" (Франция) юқори сифатли пойабзаллар; чет элда тайёрланган хона мебеллари.

Автомобиллар: "КамАЗ", "ЗИЛ"; ГАЗ "Волга" 2410,2412,31029; ВАЗ "Жигули" 2103, 21099; "Нива-2121"; "УАЗ" 31512, 3741, 3303; "Москвич-21415"; "РАФ-2203" кичик автобуси.

Бизнинг телефонларимиз: (095) 215-49-06, 902-27-63, 593-62-13

ИШБИЛАРМОН ҲАМКОРЛАРГА ҒАРБ ФИРМАЛАРИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚИСКА МУДДАТЛАРДА СУМЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ.

ФАРҒОНА АГРОИХТИСОСРЕМОНТ БИРЛАШМАСИ ҚЎҚОН МОТОР – РЕМОНТ ЗАВОДИ

ремонт учун топширилган А-01М, СМД-72, СМД-62 дизел двигателларининг буюртмаларини 1 июлдан 1 августга қадар ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗАДИ

Кўрсатилган муддатда тасдиқдан ўтмаган буюртмалар бекор қилинади.

МАЪМУРИЯТ.

● *ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР*

НАВОИЙ

«ИПАК ЙЎЛИ» КОРХОНАСИ

● НАВОИЙ районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида «Ипак йўли» кичик корхонаси иш бошлади.

Бу корхона жамоаси асосан кийим-кечаклар тикиб чиқариш, йўлларни асфальтлаш билан шуғулланади. Айни пайтда бу кичик корхонада ўндан зиёд дўрмонлик ёшлар меҳнат қилишяпти. Шунингдек, хўжаликда қишлоқларни газлаштириш бўйича «Бинокор», чорва маҳсулотлари тайёрлашга йўналтирилган «Ният» кичик корхоналари ҳам фаолият кўрсатяпти.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ПОРЛАЯПТИ

● ҚИЗИЛТЕПА районида аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш намунали йўлга қўйилган.

Яқинда райондаги «Варозун» жамоа хўжалигида қўшимча яна 15 километрлик газ қувурлари ётқизилиб, 50 та хонадон газлаштирилган. Бу ўринда Бухоро районидаги «Темир» кичик корхонаси ишчилари алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Хўжаликда газ қувурлари ётқизиш ва пайвандлаш ишлари жадал олиб бориляпти. Насиб бўлса, йил охиригача яна 50 та хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлади. Райондаги «Бўстон» давлат хўжалигида ҳам газлаштириш ишлари тезкорлик билан олиб бориляпти.

ХЎЖАЛИК МОЙЖУВОЗИ

● НАВБАҲОР районидаги «Уч тут» жамоа хўжалиги фуқаролари электр қуввати билан ишлайдиган мойжувоз ташкил этишди.

Айни пайтда уни жувозчи Исмоил Муродов бошқаряпти. Натижада хўжалик аҳлининг ёғга бўлган талаби бир оз қондирилди. Шунингдек, мазкур хўжаликда ун тегирмони ҳам қуриб, ишга туширилди. Президент фермони асосида тарқатилган ғаллани хўжалик меҳнаткашлари аллақачон ўз тегирмонларида ун қилиб олишди.

ТУЯ ЖУНИДАН БЕЛБОҒ

● ТУЯ жунининг бел, қўл, оёқ оғриғига шифо эканини билган конимехликлар «Ўрнак» кичик корхонаси ташкил этишди.

Бу корхона Халқ демократик партияси район кенгаши ҳузурида ташкил этилди. Айни пайтда бу корхонада ўнлаб ёшлар меҳнат қилишиб, туя жунидан махсус белбоғлар тайёрлаб чиқаришяпти. Шунингдек, мазкур корхона филиалларини районнинг ҳамма хўжаликлари марказларида очиш мўлжалланяпти. Ҳозир хўжаликлардан уч нафардан тўқувчи ёшлар танлаб олиниб, малакаси оширилмоқда. Кичик корхона келтирган фойда эса ХДП район кенгашини молиявий таъминлашга сарфланади.

«СУНБУЛА» БАҒРИДА

● КАРМАНА шаҳрининг Улуғбек номли маҳалласида замонавий болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди.

Икки қаватли бу кичкинтойлар масканига «Сунбула» номи берилди. Айни пайтда бу ерда карманалик матлуботчиларнинг 140 нафар ўғил-қизи меҳр билан тарбияланмоқда. «Сунбула»ни «Узкоопстроймонтаж» трестига қарашли Навоий кўчма механизациялашган колонна қурувчилари бунёд этишди.

ТОШБАҚАЧИЛИК ФЕРМАСИ

● НАВБАҲОР районидаги «Гигант» давлат хўжалигида қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик билан бир қаторда тошбақачилик ҳам йўлга қўйилди.

Бунга тажрибали зоотехник, ишбилармон чорвадор Мамадиёр Тешаев сабабчи бўлди. У сердаромад бу соҳага енг шимариб, ишга киришди. Ҳозир унинг ихчамгина тошбақачилик фермасида 1200 та тошбақа парвариш қилиняпти. Унинг нияти шу йил охиригача тошбақалар сонини 3 мингтага етказиш. Бу борада у Тошкент вилоятида ташкил этилган тошбақачилик фермасида бўлиб, тажриба ўрганиб қайтди. Кўпчилик «тошбақа кимга керак, нахотки бу ишдан бирор фойда чиқса», деб ўйлаши мумкин. Бироқ Польшада 12 сантиметрлик ҳар бир тошбақа 12 доллардан баҳоланишини ҳисобга олсак, М. Тешаевнинг нечоғли самарали ишга қўл урганини ойдинлашади.

ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ

● ҚОРАКУЛЧИЛИККА ихтисослашган Нурота районида аҳолисини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яқинда бу ерда Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали очилиб, 230 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Филиалда катталар ҳамда болалар кийим-кечаклари тикиб чиқарилмоқда. Корхонани кенгайтириш ва тикув машиналари сонини ошириш эвазига яна 178 нафар тикувчи ёшларни ишга қабул қилиш мўлжалланяпти. Бу эса бозор муносабатлари даврида аҳолининг халқ истеъмоли молларига бўлган талабини қондиришга имкон бермоқда.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

● Барселонада бошланадиган ёзги олимпиада мусобақаларига тайёргарлик ниҳоясига етказилмоқда.

Чарм қўлқоп усталаридан иборат МДҲ терма жамоасини таркиб топтириш ҳам якунланай, деб қолди. Халқаро бокс уюшмаси эса талабни қаттиқ қўймоқда. Терма жамоага фақат халқаро мусобақаларда ғалаба қозонган боксчиларни олиш таклиф этиляпти. Ҳозирча В. Антонов, Р. Палиани, О. Николаев, А. Пестряев, А. Топаев, А. Лебзяк, Р. Зауличний ҳамда Н. Кульпиндардан иборат терма жамоа таркиб топтирилди. Кучли боксчилар сафида тошкентлик Артур Григорьян ҳам бор.

ЯГОНА ЙЎЛЛАНМА

● МОСКВАДА Россия, Арманистон, Қозоғистон, Молдова ва Ўзбекистон чим хоккейчилари ўртасида жаҳон кубоги баҳсларига бериладиган ягона йўлланма учун кураш давом этмоқда.

Асосан андижонлик хоккей усталаридан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учрашувни Россия хоккейчилари билан ўтказиб (1:0), йўлланмани олишга асосий давогарлардан эканини намойиш этган эди. Лекин улар иккинчи учрашувда Молдова хоккейчилари билан майдонга тушиб, шу ҳисобда имкониятни бой бериб қўйишди. Йўлланма эгаси ҳамон номаълум бўлиб турибди.

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН кубоги учун футбол бўйича чорак финал учрашувлари ўтказилмоқда.

«Нефтчи» — «Сўғдиёна» (2:1), (2:3) учрашувидан кейин фарғоналиклар биринчи бўлиб соврин учун курашнинг ярим финалига чиқишган эди. «Мароканд» — «Атласчи» (2:0, 1:1) ўйинидан кейин самарқандлик футболчилар ҳам курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди. Кеча яна икки учрашув бўлиб ўтди.

ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА

исталган тип ва навдаги пахтангизни СОТИБ БЕРАМИЗ ҳамда ОЛИБ БЕРАМИЗ.

Республикадан ташқарига чиқариш учун руҳсат олишга ЎЙМАКЛАШАМИЗ.

Бизнинг телефон: (3712) 39-11-10
Телефакс 33-72-58

"ДЭЛОС"

ЎҚ-ДОРИ ОМБОРИДА ЕНҒИН ЧИҚДИ

Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмнинг ўқ-дори сақланадиган омборида 4 июль куни ёнғин чиқди. Портлаш натижасида бир неча ҳарбий хизматчи снаряд парчасидан яраланди, бир аскар ҳалок бўлди, ярадорларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилди.

Кўрилган чоралар туфайли ёнғин ўчирилди, одамларнинг ҳаёти учун хавф-хатар йўқ. Ҳодиса юз берган жойда махсус комиссия ишламоқда. У ёнғин сабабларини аниқлаяпти. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурори тергов олиб бормоқда.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши шу кенгаш ижроия бюроси аъзоси, вилоят иқтисодиёт қўмитаси раиси Масудхон Мўминович МУМИНОВнинг фожиали ҳалок бўлганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ҳамда марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари). В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва маҳкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583. Буюртма № Г - 127. № 132.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.